Стратегик ва минтақалараро
КУТУБХОНАСИ
тадқиқотлар институти

2005 YIL 2 AVGUST, SESHANBA

# QISHLOQ HAYOTI

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 93. (6.930). Sotuvda erkin narxda

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

**ФАРМОНИ**

# Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим вазифаси жиноят, жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари, жиноий жазо тизимини изчиллик билан босқичма-босқич либераллаштириш ҳисобланади.

Сўнгги йилларда қабул қилинган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, судлар тўғрисидаги, прокуратура тўғрисидаги қонунларга, бошқа бир қанча қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноятларнинг таснифланиши ўзгартирилди, ўта оғир жиноятлар жумласига киритилган жиноятлар рўйхати камайтирилди, содир этилган жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турлари, ярашув институти жорий этилди. Жиноий жазолар тизимини либераллаштиришга қаратилган бошқа бир қанча дастурий чора-тадбирлар қабул қилинди.

Жиноятга оид сиёсатда, ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги туб ўзгаришлар мамлакатда ижтимоий-сиёсий, криминоген вазиятга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ўлим жазосини қўллаш соҳасининг босқичма-босқич камайиб бораётганлиги Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ тизимини, жиноий жазоларни либераллаштириш борасида амалга оширилаётган жараёнларнинг муҳим йўналиши бўлди. Мамлакат мустақилликка эришган пайтда жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ўлим жазосини назарда тутувчи 30 дан ортиқ моддалардан иборат эди. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йилги Жиноят кодексида бундай моддалар сони 13, 1998 йилда - 8, 2001 йилда эса 4 тагача камайтирилди. Ҳозирги вақтда, 2003 йилда жиноят қонунчилигини либераллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилгандан сўнг, фақат икки турдаги жиноят - жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятларини содир этганлик учун ўлим жазоси назарда тутилади.

(Давоми 2-бетда)

## Куннинг муҳим воқеалари

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Тошкент тиббиёт академияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилди.
- Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Андижон, Наманган, Фарғона, Хоразм вилоятларида фаоллар йиғилишлари бўлиб ўтди.
- Тошкентда «Марказий Осиёда қишлоқ хўжалик савдо-сотиқ сиёсати» мавзуида халқаро анжуман ўтказилди.
- Тадбиркор ва ишбилармон аёллар жамоат бирлашмаси томонидан пойтахтдаги тадбиркор аёллар учун тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва уларни қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинган янги Қонун ва қарорларнинг моҳиятини тушунтириш ҳамда турли ҳисоботларни юритиш бўйича ўқув семинари ташкил этилди.
- Пойтахтимизнинг энг яхши клиникалари шифокорлари бригадаси саломатлик поездида Сурхондарёга жўнаб кетди.
- Республика Киночилар уйида Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг «Ўзбектелефильм» студияси томонидан ишланган «Академик Эдвард Ртвеладзе» ҳужжатли фильмининг премьераси бўлиб ўтди.
- Тошкентдаги «Ғалла-Алтег» акционерлик жамиятида инсон саломатлиги учун муҳим микроэлементлар ва витаминлар билан тўйинтирилган дастлабки ун туркуми ишлаб чиқарилди.
- Жиззах вилоят Ички ишлар бошқармасининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими қошида соғломлаштириш маркази қурилиб, фойдаланишга топширилди.
- Қўқон шаҳрида «Жамоатчилик назоратини амалга оширишда нодавлат, нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва аҳамияти» мавзуида республика амалий анжумани бўлиб ўтди.
- Сирдарё вилояти Ховос туманининг Йўлдошобод қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида сув тозалаш иншооти ишга тушди.
- Ўзбекистон Миллий матбуот марказида навоийлик ижодкор Менглибой Муродовнинг «Юрагимда борини айтдим...» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.
- Гулистон шаҳридаги «Алпомиш» спорт мажмуида кикбоксинг бўйича ёшлар ўртасида ўтган Ўзбекистон биринчилиги баҳсларида 270 нафардан зиёд спортчи иштирок этди.

*Бугун Тошкентдан йўлга чиқиб, Фарғона водийси ёки Зарафшон воҳаси, ҳатто Жайхун томонларига йўлингиз тушса, кўм-кўк далалар, катта-катта пахта майдонлари "ҳамроҳингиз" бўлади. Бирор юртдошимиз йўқки, гуркираб ўсаётган, ҳосилига ҳосил қўшилиб, шохлари кўсаклар салмоғидан тўлиб бораётган ғўзаларга бефарқ боқмасин.*

*Тўғри, дон ризқ-рўзимиз, дастурхонимиз баракаси, элимизнинг насибаси. Аммо пахта эса бизнинг миллий бойлигимиз, мамлакат куч-қудратининг асоси. Уни алоҳида эъзозлаймиз, ҳар тупи гуркираб ўсиши учун ҳаловатимизни унутамиз, шонаси гулга, гули эса кўзларни қувонтирувчи кўсакка айлангунича билимимизни, тажрибамизни, меҳнатимизни унга бағишлаймиз.*

*Дарҳақиқат, Ўзбекистон иқтисодиётида пахтанинг ўрни алоҳида. У мамлакатимиз экспорт салоҳиятида ҳам ўз ўрни, салмоғи, қимматига эга. Биз жаҳон халқлари ҳамжамиятида пахтамиз билан таниқлимиз, эътиборлимиз, қадрлимиз. Оппоқ пахта тойлари, ундан тайёрланган матолар, бошқа маҳсулотлар тоғу тошлар, уммонлар оша етти иқлимга етиб бораяпти, дунёнинг турли чеккаларида, турли тилларда Ўзбекистон пахтаси, дея қабул қилиняпти.*

# Август — пахта ҳосилини ҳал қилувчи ой



Шу ҳолатлар, шу эътироф, шу туйғулар учун қанчалар меҳнат қилсанг арзийди. Бугун оқ олтин хирмонларининг салмоғини баракали қиладиган дамлар бошланди. Халқимиз августни – асад ойини экинлар "ясанадиган" - ҳосилга ҳосил қўшиладиган, йил бўйи қилинган меҳнат эвазига етиштирилган ҳосил тақдирини ҳал қилувчи ой деб бежиз ҳисобламайди. Шу боис деҳқон бугун асл маънода "далага кўчиб чиқади". Туну кун ғўзасига парвона бўлгандагина кўзланган миқдорда сара, сифатли ҳосил етиштириш мумкинлигини у жуда яхши билади. Иккиламчи, айни шу жиҳат унинг эл-улус олдидаги масъулиятини кучайтиради, юрт олдидаги бурчини сония сайин эслатиб туради.

Пахта чин маънодаги фидокорона меҳнат билан етиштирилади. Айни пайтда ғўза тупларида 4-5 донадан ошиқ кўсак бор. Тажрибали пахтакорларнинг таъкидлашларича, деҳқон август қуёшининг танти тафтини суғориш, культивация билан ўринли уйғунлаштира олсагина, шу ой давомида ҳар тупда яна 6-7 тадан бўлиқ кўсак ҳосил бўлиши турган гап.

**БУГУННИНГ ГАПИ**

Август ойида қилинадиган парвариш ғўзанинг ҳосилга "ишлашини" тезлаштиради, кўсаклар рисоладагидек етилиб, тола сифати ошади. Кекса деҳқонлар бундай паллаларда майдон оралашни, ғўза билан "суҳбатлашишни", қатор ораларини "варақлаш"ни, унинг ҳолати ва талабини илғаб, парваришни шунга мутаносиб ташкил этишни қоида қилиб олишган.



Ана шундай уқувли, ўринли меҳнат билан бу йил ҳам мўл ҳосил етиштиріляпти. Ўз сўзини айтиб, ўз масъулиятини ҳис қила оладиган фермеру пудратчи борки, бугун туну кун далада. Ҳосил тақдирини ҳал қилувчи шу дамлардан оқилона фойдаланиб қолиш, қимматли кунларни бекор, бесамар ўтказмаслик ҳаракатида. Ҳар бир фермер, ҳар бир ширкат хўжалигидаги шундай уюшқоқлик билан қилинган меҳнатгина куз кези ер чизиб қолинишидан сақлайди, аксинча, мўл, сифатли ҳосил етиштирилиб, пахтакорларимиз бошларини баланд кўтариб, davraларда ёруғ юз билан юришларига кафолат беради.

Август суви – ғўзага бамисоли қон. Мутахассисларнинг алоҳида таъкидлашларича, августда шарбат сувига тўйган ғўза сифатли ва баракали ҳосил тўплайди. Лекин бу оби ҳаёт – қон томирлардан ўтиб, тўғри ҳосил тугунчаларига ҳаётбахш таъсир кўрсата олиши учун ғўза қатор оралари оби-тобида юмшатилиши керак бўлади. Асад ойи культивацияси бирор кун кечикдими, ариқлар қуриб, ер ёрилиб, ғўза томирларига зарар етади. Бир томирнинг узилиши, бамисоли, бир шона, бир гул ёки кўсакнинг тўкилиши эканлигини тажрибали деҳқон яхши билади. Шу боис ҳам бугун пахтазорда сувчи билан механизаторнинг маҳорати, тажрибасию жонкуярлиги алоҳида ўрин тутади.

Августда суғориш чоғи пахтазор кўллаб кетишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Бу ғўза кўкига зўр бериб кетишига олиб келади, пировардида ҳосил тугунчалари зарур озиқа ололмайди, "сиқилиб", димиқиб қолади ва тўкилиб кетади. Сув қатор ораларидан бир текис ўтиб, тупроқ етарли намни олиши билан суғориш тўхтатилиши керак. Бу – сувчи кунни тунга улаши, тунларни огоҳ, зийракликда ўтказиши лозим дегани.

Июл ойидаги культивациядан август ойидаги культивациянинг фарқи борлигини уста пахтакорлар жуда яхши билишади. Бугун тракторни ғўза қатор ораларида "йўрғалатиб" эмас, "одимлатиб" юргизиш керак бўлади. Бу – осон, енгил иш эмас, албатта. Бунинг учун механизатордан алоҳида уқув, тажриба, энг муҳими, сабр-бардош, чидам, қунт-эътибор талаб қилинади.

Шу боис ҳам айни шу кунларда сувчию механизаторга, умуман, пахтакорга алоҳида эътибор, ғамхўрлик зарур. Булар далада ишловчилар учун яратилган шароит билан белгиланади. Пахтакорнинг иссиғи-ю совуғи ҳар сония хўжалик раҳбарлари, мутахассисларининг диққат марказида туриши керак. Далада ишловчи ҳар бир киши ҳам моддий, ҳам маънавий рағбат кўрса, эътиборда бўлса, меҳнати кутилган самарани бериши табиий.

Пахтазорлардаги бугунги юмушлар қаторида ғўза чеканкасининг аҳамияти беқиёслигини ҳар бир пахтакор яхши тушунади. Уни бир бошдан, текис ўтказишнинг ҳам зиёни маълум. Ғўзани чилпиш майдоннинг турли қисмида экин ҳолати, ҳосил тўплашига қараб ўтказилиши лозим.

Бинобарин, бир майдондаги ғўзалар икки-уч бора ораланиши тақозо этилади. Бундан асло эринмаслик, чеканкани алоҳида қунт билан ўтказишгина фойдали бўлади.

Пахта далаларидаги тўртинчи муҳим юмуш – ғўза зараркунандалари пайдо бўлиши ва тарқалиб кетишининг олдини олишдан иборат.

Бу ўринда зараркунандаларга қарши курашда биологик усул алоҳида аҳамиятга эга. Тажрибали пахтакорлар далалардаги аҳволни кузатиб бориб, кўсак қурти, ўргимчакканага қарши ушбу усулдан оқилона фойдаланишаяпти. Лекин бу жараёнда мутахассислардан ҳам алоҳида масъулият талаб қилинади. Ҳал қилувчи маслаҳат, йўл-йўриқ улардан чиқиши, далаларда эса назоратни кучайтириб, керак бўлса, уларнинг ўзи шошилинч амалий чораларни кўришлари керак.

Кўриниб турибдики, бугун пахта иши алоҳида эътибор ва уюшқоқлик талаб қилади. Ишга бефарқлик, парваришда эътиборсизлик – катта зарар келтиради.

(Давоми 2-бетда)

# Истиқлол ёшлари

## Кеча олий ўқув юртларига кириш учун тест синовлари ўтказилди.

***Юртимизнинг барча олий ўқув юртлари ўқишга кириш орзусидаги минг-минглаб абитуриент ёшлар билан гавжум бўлди.***

Азиз фарзандларимиз мустақил ҳаёт йўлини ўзлари танлаган ўқув даргоҳлари остонасидан бошлаш умидида ҳар дилда минг бир ҳаяжон билан тест синовларини топширдилар. Уларнинг ҳар бири ўз билим ва омадларини синаш баробарида гўё ҳаёт имтиҳонидан ҳам ўтган каби илк бор катта масъуллик ҳис қилди, яна бир улғайиш поғонасига қадам қўйди. Улар нигоҳидаги улуғ истак, шижоат, қатъият ва дадилликда бу оловқалб ёшларнинг порлоқ келажаги акс этаётганидан дилингиз қувонч ва ғурурга тўлади. Зеро, юртимиз келажаги, мамлакатимиз тараққиёти умидли ёшларимизнинг юксак маънавияти, билим ва интеллектуал салоҳиятига боғлиқдир.

Ҳадемай бир-биридан билимли, тиришқоқ ва интилувчан бу йигит-қизларимизнинг кўпчилиги ўз орзусидаги ўқув юртларининг талабаси бўладилар. Биз ўз иқболини Ватан истиқболида кўраётган, илму маърифатга меҳр қўйган, орзулари бир жаҳон азиз фарзандларимиз — халқимизнинг муносиб издошларига омадлар тилаймиз.

СУРАТЛАРДА: тест синовлари жараёнидан лавҳалар.

**Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.**







*Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг*

# БАЁНОТИ

***2005 йил 28-29 июль кунлари БМТнинг Қочқинлар иши бўйича олий комиссари бошқармасининг Қирғизистон бўйича тузилмалари томонидан халқаро ҳуқуқ ва БМТ қарорларининг барча қоида ва меъёрларини бузган ҳолда, Қирғизистон ҳудудидаги 440 нафарга яқин Ўзбекистон фуқароси гўёки инсонпарварлик эвакуациясини амалга ошириш йўли билан мазкур мамлакат ҳудудидан олиб чиқиб кетилди. Бу фуқаролар 2005 йил 12-13 май кунлари Андижонда фожиали воқеалар содир этилган вақтда чегарадан ўтган ва Қирғизистон ҳудудида яшаб турган эди.***

Одамларни олиб чиқиб кетишга оид барча тайёргарлик ишлари ва ушбу тадбирнинг ўзи ўта махфий равишда амалга оширилди, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакилларидан пинҳон тутилди.

Ўзбекистоннинг мазкур фуқаролари қайси мамлакатга олиб чиқиб кетилгани ҳақида расман эълон қилинмади ва бу ҳали ҳам номаълумлигича қолмоқда.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги қуйидагиларни таъкидлашни зарур деб ҳисоблайди.

Биринчидан, Ўзбекистон томони, Қирғизистон ҳудудига ўтган Ўзбекистон фуқаролари сони Қирғизистон ва Ўзбекистоннинг чегара ҳудудларидаги хавфсизлик ва барқарорликка ҳеч қандай таҳдид солмагани учун бундай тадбирни ўтказишга бирон-бир асос йўқ эди, деб ҳисоблайди.

(Давоми 2-бетда)

**ТАҲЛИЛ**

# Мавсумга ҳозирмисиз?

***Республикамиз жануби – Қашқадарё вилоятидан хушхабар олдик: пахта очилди. Шундай, касбилик фермер Қаҳрамон Кенжабоевнинг даласида илк ҳосил бўй кўрсатди.***

Шубҳасиз, бундай хабарлар ҳадемай, республикамизнинг бошқа вилоятларидан ҳам кела бошлайди.

Энди буёғи асад, қилинган меҳнатга яраша пайкаллардаги ғўзанинг кўсагига-кўсак, вазнига-вазн қўшилаверади. Демакки, мавсум яқин. Галдаги иш - деҳқонларимизнинг мислсиз меҳнати эвазига етиштирилаётган 1431,8 минг гектар майдондаги ҳосилни нес-нобуд қилмасдан йиғиб олиш. Бу эса кўп жиҳатдан уни қайта ишлаш корхоналари, пахта хом-ашёсини қабул қилишга тайёрлов масканларининг мавсумга қай даражада шайлигига боғлиқ. Хўш, мавжуд қайта ишлаш корхоналару, тайёрлов масканларининг бугунги ҳолати қандай? Мавсумга пухта ҳозирлик кўрилганми?

"Ўзпахтасаноат" уюшмаси мутахассисларининг айтишларича, бу йилги мавсум уюшқоқлик билан қисқа фурсатларда адо этилиши кутилаётир. Чунки бунга тамал тоши йил бошидан қўйилган. Яъниким, январ-феврал ойларида ғўза экиладиган майдонларда пушта олиниб, чигит мақбул муддатларда ундириб олинди. Муҳими, пахта етиштирувчи хўжаликлар сифатли, сара уруғ билан таъминланди. Ҳукуматимизнинг қарори билан амалдаги йил хўжаликларда битта, туманларда эса иккита нав экиш йўлга қўйилганлиги эса айни муддао бўлди. Бундан кўзланган асосий мақсад олдинги йилларда кузатилган навларнинг аралашиб кетиш ҳолларидан қутулиш, қолаверса сифатли ҳосил етиштиришдан иборат.

(Давоми 3-бетда)

# Эзгулик унутилмайди

***Меҳнатга яроқли кишиларни иш билан таъминлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, эҳтиёжманд қатламнинг турмуш тарзи ва саломатлигидан хабардор бўлиш деганда бугун биринчи навбатда тасаввуримизга жойлардаги меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаларининг фаолияти келади.***

Чунки жамиятимиздаги ҳамжиҳатликни, меҳр-мурувватни, давлатнинг халққа бўлган меҳрибонлигини акс эттирувчи юқоридаги вазифалар ижроси айнан ушбу ташкилот ишлари билан чамбарчас боғлиқ. Қолаверса, мустақилликдан сўнг бу борада муҳим ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ҳам татбиқ этилдики, натижада меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаларининг кундалик ҳаётимиздаги аҳамияти тобора ошиб бормоқда.

**2005 ЙИЛ СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ЙИЛИ**

Самарқанд вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси бошлиғи Фахриддин Фазлиев билан суҳбатимиз шу хусусида бўлди.

**–Аввало, бошқарманинг жорий "Сиҳат-саломатлик йили"да амалга ошираётган ишлари ҳақида маълумот берсангиз.**

–Биринчи навбатда шуни таъкидлаш кераккi, Президентимиз томонидан 2005 йилнинг "Сиҳат-саломатлик йили" деб эълон қилиниши бизнинг соҳамиз учун ҳам катта воқеа бўлди ва олдимизга бир қанча масъулиятли вазифалар қўйди. Шу боис Бош бошқармамиз Вазирлар Маҳкамасининг, вилоят ҳокимининг қарор ва буйруқлари асосида йилнинг бошидан "Сиҳат-саломатлик йили дастурининг ижросини таъминлаш тўғрисида"ги буйруқ қабул қилиб, ушбу дастур ижросини таъминлаш юзасидан бир мунча тадбирларни бажариб келмоқда.

(Давоми 2-бетда)

# Ерга яқин одамлар




**Тўра СУЛАЙМОН, Ўзбекистон халқ шоири.**

*(Давоми. Боши «Қишлоқ ҳаёти» газетаси иловаси «Ҳаёт»нинг 3,4,5,6-сонларида.)*

***Шу маҳал хиёл кеч бўлганига қарамай, Али аканинг ўғилларидан бири катта чинни лаганда кулчатой олиб кириб қолди.***

Қази-қартали. Энди буни паққос туширадиган азамат қани? Овқатнинг кечроқ кирганининг сабабини мезбон изоҳлаган бўлди:

– Жатар қурсаққа жарти нон, деган гап бор. Айбга буюрмайсиз миймон, уйда Қозоғистоннинг уни охирлаб қолган экан. Келинингиз қўни-қўшнилардан олиб чиқибди. Сизди ўзиям бугун роса қантардик. Қани, тортинмай олинг, ош бўлсин. Миймон – атойи худо. Жахши кутиб ололмадик. Устига отам элга қидириб кетиб эди. Ўзимиздан экансиз. Отам бўлганида кунингиз менга қолмаган бўлар эди, – дея ҳалиги гапини давом эттирди:

– Қай бир жили Абдукарим ака Мавлон Умирзоқип минан келди. Иккови жон аямас жўра экан. Абдукарим аканинг куни калта экан. Жузга кирадиган жўни бор эди. Отам қотти куйди. Оиласидан хабар олиб турамиз. Отамнинг Абдукарим акага бунчалик меҳри тушганлигининг сабаби Абдуқаюм исмли акаси "босмачи"ларга қўшилиб, савит саллотларига анча-мунча талофот жетказди. Ахийри саллотлар устин келиб, Абдуқаюм бобомдан шериклари минан қўлга туширишиб, барини бирданига отиб ташлайдилар. Абдуқаюм бобомди жуссаси, бўйибасти, журиш-туриши Абдукарим аканинг ўзи экан.

(Давоми 4-бетда)

УзРТСБ Биржевые котировки сум/кг | БЕНЗИН (76) 398,4 ▲ + 4,8 | БЕНЗИН (91) 460,8 ▼ - 3,8 | ДИЗ.ТОПЛИВО 280,8 ▲ + 1,3 | МАЗУТ 117,1 ▲ + 14,9 | СЖ.ГАЗ 240,6 ▼ - 117,1 | МАСЛО ХЛОПК. 818,2 ▲ + 4,1 | САХАР 588,0 ▼ - 0,001 | МУКА выс.сорт 280,0 ▼ - 0,1

# Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида

(Боши 1-бетда)

Жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ўлим жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятлар сони жиноий жазога тортиладиган қилмишлар умумий сонининг бир фоизидан камроғини ташкил этади. Содир этилган жиноятнинг оғирлигидан қатъи назар қонун ҳужжатларида вояга етмаганларга, хотин-қизларга ва 60 ёшдан ошган шахсларга нисбатан ушбу турдаги жазони қўллаш тақиқланган.

Давлатимизнинг жиноятга оид сиёсати ўлим жазосини қўллашга нисбатан жаҳон тенденцияларига тўла мос келади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида эълон қилинган инсонпарварлик ва одиллик тамойилларини изчил ифода этади.

Айни вақтда, мамлакатда амалга оширилаётган жамият ва давлат ҳаётини демократик жиҳатдан янада янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш борасидаги ислоҳотларнинг моҳияти ва мазмуни, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш бўйича олиб борилаётган ишларнинг натижалари жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилинишини ҳамда уни умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси билан алмаштирилиши зарурлигини тақозо этмоқда.

Шу билан бирга, ушбу муҳим соҳадаги ислоҳотлар, ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши ва инсонпарварлик руҳида олиб борилишини ҳамда инсонлар онгида демократик қадриятлар тобора мустаҳкамланишини инобатга олган ҳолда изчиллик билан амалга ошириб борилиши лозим.

Ўлим жазосининг бекор қилиниши аҳоли орасида кенг тушунтириш ишлари олиб боришни, биринчи навбатда, мамлакатимизнинг ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги изчил ҳаракатларини асослаб беришни, жиноий жазони янада либераллаштириш, шу жумладан ўлим жазосини бекор қилиш заруратининг англаб етилишини кишилар онгида мустаҳкамлашни тақозо этади.

Ўлим жазоси умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш билан алмаштирилган шахсларни сақлаш учун мажмуа ва иншоотлар қуриш, зарур шарт-шароитларни яратиш, ана шу муассасаларда ишлаш учун ходимларни тайёрлаш билан боғлиқ бир қатор ташкилий-тайёргарлик тадбирларини амалга ошириш лозим.

Жиноят, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия қонун ҳужжатларини пухта ишлаб чиқиш ҳамда ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ушбу соҳадаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни, ўлим жазосини бекор қилган ва ўлим жазоси ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган шахсларнинг жазолари ижро этилишини ташкил қилиш тажрибасига эга бўлган хорижий мамлакатларнинг тегишли қонун ҳужжатларини чуқур ўрганиб чиқишни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши муҳим вазифа ҳисобланади.

Инсоннинг яшаш ҳуқуқини эълон қилувчи ва мустаҳкамловчи халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларидан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидаларидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек жиноий жазоларни янада либераллаштириш борасида аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасида 2008 йилнинг 1 январидан жиноий жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилинсин ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси жорий этилсин.

Қуйидагилар белгилансин:

умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси Ўзбекистон Республикаси Олий суди, жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди томонидан тайинланиши мумкин;

жиноят содир этганлик учун умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар жазони махсус тартибли жазо ижро этиладиган ихтисослаштирилган муассасаларда ўтайдилар.

2. Адлия вазирлиги, Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати 2006 йилнинг 1 январигача Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодексларига ўлим жазосини жиноий жазолар тизимидан чиқариб ташлаш ҳамда уни умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш билан алмаштиришга алоқадор ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар тайёрласинлар, бунда қуйидагиларни назарда тутсинлар:

ҳозирги вақтда ўлим жазоси тайинлашга йўл қўядиган жиноятлар содир этган шахслар учун озодликдан маҳрум этишнинг аниқ муддатларини белгилаш ва асослаш;

бундай жиноятлар учун жазо тайинлаш, озодликдан маҳрум этиш муддатларини ҳисоблаш тартиби, шунингдек ўлим жазоси ўрнига жорий этиладиган жазоларни ижро этиш тартиби ва шартлари.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумларни сақлаш учун зарур ихтисослаштирилган муассасалар иншоотлари мажмуасини қуриш ва фойдаланишга тайёрлаш чоралари, шунингдек ушбу муассасаларни молиялаштириш тартиби, уларда ишлаш учун кадрлар тайёрлаш тўғрисида қарор қабул қилсин.

4. Адлия вазирлиги, Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги билан биргаликда ўлим жазосини бекор қилиш масаласи бўйича аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини ташкил этишга қаратилган коплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

5. Мазкур Фармон Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси муҳокамасига киритилсин.

6. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.А.Худайбергенов зиммаларига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 1 август

# Август – пахта ҳосилини ҳал қилувчи ой



(Боши 1-бетда)

Ҳосилнинг салмоқли қисмини етиштириб бераётган фермерлар ҳам, ширкат хўжаликларининг раҳбарлари ҳам буни асло унутмасликлари керак. Ташкилотчилик, ташаббускорлик, омилкорлик, қаттиқ назорат – каттаю кичик раҳбарлар, турли бўғин мутахассисларига асад ойи қўяётган талаб ана шу. Жонкуяр, фидойи кишиларгина мақсадга эриша оладилар. Ҳозир ишнинг пировард натижаси учун масъуллик туйғуси ҳеч кимни тарк этмайдиган кунлардир.

Бирор фурсатлик ҳузурини ўйлаган, ҳаловатидан кеча олмайдиган раҳбар-у мутахассис, фермеру пудратчи шу ғанимат дамлар қадрини унутади, вақт ва имкониятларни бой беради. Шу боис талаб кучайтирилиши, дала ишлари ҳар куни таҳлил қилиб борилиши даркор. Лекин мақсад бугина эмас, албатта. Гап ғўза парваришида "издан" чиққан жойлар аниқландими – дарҳол чора кўришда. Айниқса, сув ва техника хизмати тизимларида мутасаддилар иш сифатини мутассил кузатиб боришларини даврнинг ўзи тақозо этяпти. Бугунги пахтазор, бугунги дала иши мутахассис билан тажрибали деҳқон иштиёқи, фикри, саъй-ҳаракати ва интилиши жамланадиган жой ва жараён. Буни мутлақо унутмаслик керак. Зеро, бунда йил бўйи қилинган меҳнат самараси – ҳосил тақдири ҳал қилинади.

Пахтазор айлансангиз, ҳар йилгидан барвақт мўл ҳосил етилаётганлигини кўриб қувонасиз, албатта. Сабаби экин-тикин ишларининг бу йил барвақт бошланганлиги, табиатнинг сахийлиги, деҳқон учун туриб берганлиги ва фидокорона меҳнат ҳосилнинг барвақт етилишига имкон яратди.

Шуни ҳисобга олиб, агросаноат соҳасининг жонкуярлари барча куч ва имкониятларни дала ишларига тўлиқ сафарбар этиш чора-тадбирларини кўряптилар. Одамларни тиғиз, шошилинч ишларни қисқа муддатларда бажариб олишга, терим-транспорт воситаларини ҳозирданоқ созлаб қўйишга, терим-транспорт отрядларини мукаммал шакллантиришга асосий эътиборни қаратаяптилар. Ҳисобли дўст айрилмас деганларидек, техника ва транспорт воситаларидан унумли фойдаланиш, кам сарф-харажат эвазига пахтани қабул пунктларига етказиб бериш чораларини кўрган тадбиркоргина ютади. Олайлик, бир тележка ўрнига тўрт тележкани тракторга тиркаб қабул пунктига пахта ташишдан қанча фойда кўрилишини ҳозирданоқ ҳисоб-китоб қилиб қўйиш фойдадан холи бўлмайди. Вилоят ва туманларнинг ҳокимлари, хўжалик раҳбарлари, қишлоқ ва маҳаллаларнинг оқсоқоллари одамлар орасига кириб бориб, аввало, фермер ва ширкат хўжаликлари пахтакорларини, қолаверса, барча меҳнат аҳлини пахтазордаги юмушларга сафарбар этиш борасида қизғин иш олиб бораётирлар. Одамлар билан ҳар бир мулоқот, даъваткор сўз уларнинг қалбига сингиб, ҳар бир ўзбекистонликда пахтамиз тақдири учун масъуллик туйғусини кучайтиряпти. Бугун фермерларимиз, фермер уюшмалари масъулиятни ўз зиммаларига оладиган пайт келганлигини чуқур ҳис қилмоқдалар. Ҳосилнинг салмоқли қисмини етказиб берувчи фермерларимиз асосий ҳолларда ишни шундай ташкил этяптиларки, натижада ҳар туп ғўза серҳосил бўлиб ўсаяпти, кўсаклар бўлиқ етилиб, хирмонларимизга барака киритишига ишончни мустаҳкамламоқда.

Ўзбекистонда азал-азалдан ҳамма пахтакор. Мустақилликнинг 14 йиллиги арафасида ҳар биримиз ўз фикримиз, ўз сўзимиз ва ўз меҳнатимиз билан пахтакорга руҳ бағишлайдиган, белига қувват, ишларига мададкор, кўмакдош бўладиган кунлар келди.

Август – пахтачилик учун муҳим, ҳосил тақдирини ҳал қилувчи ой эканлигини фидойи деҳқон ҳам, лафзи ҳалол ва тажрибали фермеру пудратчи ҳам, ишнинг кўзини биладиган раҳбару мутахассис ҳам жуда яхши билади. Бас шундай экан, августда ҳосил салмоғини янада ошириш уларнинг ташкилотчилигига, уюшқоқлигига, жонкуярлигига, фидойилигига боғлиқ. Ана шундагина мўлжалдаги ҳосил етиштирилади, эл ризқ-рўзи бутун бўлади, мамлакат иқтисоди тобора юксалиб, она-Ватанимиз янада равнақ топади.

## *Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг*
# БАЁНОТИ

(Боши 1-бетда)

13 майдан кейин ўтган даврда уларнинг сони кўпайгани йўқ, аксинча, Андижон ва қўшни туманларда яшовчи бир неча ўн кишининг уйига қайтиб келиши ҳисобига камайди.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан бу шахсларга нисбатан ҳеч қандай айблов қўйилгани, таъқиб ва тазйиқ ўтказилгани йўқ.

Ўзбекистон ҳукумати Қирғизистон томони билан Андижондаги фожиали воқеаларга қадар ва улар рўй берган вақтда оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланаётган 29 нафар Ўзбекистон фуқаросини қайтариш юзасидан музокаралар ўтказаётган эди ва ўтказмоқда.

Иккинчидан, Ўзбекистон фуқароларини гўёки инсонпарварлик эвакуациясини амалга ошириш йўли билан олиб чиқиб кетиш жараёнида барчага маълум халқаро меъёрлар, жумладан, БМТнинг 1951 йилда қабул қилинган Қочқинлар мақоми тўғрисидаги конвенцияси ҳамда унга 1967 йилда қўшилган протоколнинг асосий тамойил ва шартлари бузилди.

Қирғизистон давлат раҳбари томонидан ҳам, бу одамларни қабул қилиб, иш, нафақа, уй-жой ва бошқа шароит билан таъминлашга тайёр бошқа бирор мамлакат томонидан ҳам БМТнинг Қочқинлар иши бўйича олий комиссари бошқармасига тегишли ариза ёки мурожаатлар бўлгани йўқ ва бу ҳақда оммавий ахборот воситаларида ҳам хабар берилмади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Қирғизистон расмий шахслари таъкидлаётганидек, ушбу мамлакат раҳбарияти ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ташқи кучлар томонидан «мисли кўрилмаган» тазйиқ ўтказилган, деб баёнот бериш учун бугун барча асосларга эга. Жумладан, иши терговда турган шахсларни эвакуация қилиш масаласида ана шундай тазйиқ ўтказилганининг ўзи қочқинларнинг мақомини белгилаш бўйича қабул қилинган халқаро ҳужжатларнинг асосий тамойилларига зиддир.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги буларнинг барчасини «ўзбек қочқинлари» деб аталмиш ўйинни бошлаш ҳамда эълон қилинмаган ахборот хуружини давом эттиришга уринаётган ташқи кучларнинг воқеалар ривожига йўл қўйиб бўлмайдиган даражадаги қўпол аралашуви деб ҳисоблайди. Зеро, ахборот хуружининг амалга оширилиши ҳам, айни «Андижон операцияси» сингари, 13 май куни Андижонда фожиали воқеалар содир этилишидан олдин режалаштирилган эди.

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги қочқинлар масаласидек фавқулодда масъулиятли ва жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган ишда қабул қилинган халқаро меъёрлардан бирон-бир чекиниш ҳамда сиёсий ўйинларга берилишга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблайди.



–Миллий ҳунармандчилигимиз намунаси бўлмиш бешикчиликнинг ҳам ўзига хос нозик жиҳатлари мавжуд. Чунки ясалган бешикда ҳар доим миллийлик руҳи уфуриб турмоғи шарт. Зеро, бу ота-боболаримиздан қолган қадрият. Биз маҳсулотларимизга ишлов ва безак беришда ана шу анъаналарни мужассамлаштиришга ҳаракат қиламиз. Шунинг учун ҳам бешикларимиз ҳунармандлар растасида узоқ туриб қолмайди, - дейди андижонлик бешикчи уста Сайдулло Турғунов.

СУРАТДА:С.Турғунов.

**Х.АРАББОЕВ олган сурат.**

## ҚАШҚАДАРЁ ТОМОНЛАРДА

### Тест синовлари

***1 август куни вилоятдаги барча олий ўқув юртларида давлат тест синовлари бўлиб ўтди. У Давлат тест маркази томонидан ишлаб чиқилган ва республика Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган Низом асосида ташкил қилинди.***

- Институтимизда бу йил 18 та бакалавр таълим йўналиши, 5 та магистратура мутахассислиги бўйича ҳужжатлар қабул қилинди, - дейди Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти ректори М.Нормуродов, - бу таълим йўналишлари бўйича 310 нафар талаба давлат гранти, 540 нафар талаба тўлов-контракт асосида ўқишга киради.

Олий таълим муассасаларида билимдон, замонавий талабаларга жавоб берадиган етук кадрлар тайёрлашда давлат тест синовлари асосий мезон бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

### Элчининг ташрифи

***29-30 июл кунлари Қашқадарёга Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Фарит Мухаметшин ташриф буюрди. Юқори мартабали меҳмонни вилоят ҳокими Нуриддин Зайниев қабул қилди.***

Фарит Мухаметшин Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги стратегик шериклик тўғрисидаги битим имзолангач, мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ҳамда маданий алоқалар янада мустаҳкамланиб бораётганини таъкидлади. Россия ҳамда Ўзбекистоннинг ўлка ҳамда вилоятлари ўртасида тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш, шаҳарлар ўртасида биродарликни тиклаш, маданият кунларини ўтказиш ҳақида фикр билдирди.

Шу куни элчи жаноблари Китоб туманидаги Ошкон қишлоғида яшовчи уруш фахрийси, уччала даражали Шуҳрат ордени соҳиби Саид Ниёзов билан учрашиб, унга Россия Федерацияси президенти Владимир Путиннинг Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 60 йиллиги муносабати билан йўллаган табриги ҳамда эсдалик совғасини топширди.

### Таъсис конференцияси

***29 июл куни Қарши шаҳрида Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси Қашқадарё вилояти филиалининг таъсис конференцияси бўлди.***

Унда Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмасининг янги таҳрирдаги устави ҳамда ҳаракат дастуридан келиб чиқадиган вазифалар, вилоят филиалининг келгусида амалга оширишни лозим бўлган ишлари ҳақида фикр юритилди.

Конференцияда Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси вилоят филиали раиси этиб Акрам Орипов сайланди.

### Маданият кунлари

***Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ташаббуси билан воҳанинг узоқ тоғли қишлоқларида маданият кунлари ўтказилмоқда.***

Ана шундай тадбирлардан бири яқинда Шаҳрисабз туманидаги Шўрҳасан қишлоғида бўлиб ўтди. Денгиз сатҳидан 1800 метр баландликда, пурвиқор тоғлар этагида жойлашган бу сўлим қишлоқда 700 нафар аҳоли истиқомат қилади. Тадбир ҳақиқий байрам тусини олди. Тадбир доирасида вилоят болалар кутубхонаси томонидан "Ватан менинг нигоҳимда" расмлар танлови ўтказилиб, ғолибларга эсдалик совғалари топширилди.

Қишлоқдаги мактаб кутубхонасига С.Насафий номли вилоят кутубхонаси томонидан 100 дона адабиётлар тақдим этилди.

**Фахриддин БОЗОРОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# Эзгулик унутилмайди

(Боши 1-бетда)

Дастуримизда вазифамиздан келиб чиққан ҳолда кексаларнинг соғлом турмуш кечириши, пенсионерлар, ногиронлар ва алоҳида эътиборга муҳтож кишиларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳолини иш билан таъминлаш каби жиҳатларга аҳамият берганмиз. Бу эса ўз навбатида бу борада аниқ мақсадларни белгилаб берди. Масалан, дастурга мувофиқ Самарқанд шаҳридаги "Саховат" уйида яшовчи 207 нафар ёлғиз пенсионерлар ва ногиронларга, Ургут туманидаги "Мурувват" уйида яшовчи 415 нафар руҳий касалликка чалинган ногиронлар, шунингдек, 50 ўринга мўлжалланган вилоят ногиронларни реабилитация қилиш марказида соғлигини тиклаётган ногиронларга янада қулай шарт-шароитлар яратиш, уларга кўрсатилаётган тиббий ижтимоий хизматлар савиясини ошириш мақсадида бюджет ва иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 185,7 миллион сўм миқдорида маблағ режалаштирилди. Шуни таъкидлаш керакки айни пайтга келиб ушбу маблағларнинг маълум қисми шу ишларга сарфланди ҳам. Жумладан, бюджет маблағларидан "Саховат" уйига 11,4 "Мурувват" уйига 11,8 миллион сўм уларнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш учун ишлатилган.





Ногиронларни реабилитация қилиш марказида эса 8,9 миллион сўмлик ишлар амалга оширилди. Бундан ташқари, жорий йилнинг ўтган даврида дастурга асосан ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан Бош бошқарма тизимидаги мана шу учала масканнинг ҳар бирига янги "Дамас" русумли автомашина харид қилиниши, капитал таъмирлаш ва қурилиш ишларининг олиб борилиши ҳамда ногиронларни реабилитация қилиш марказига аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан хориждан 10,5 миллион сўмлик тиббиёт ускуналарини келтирилиши, пенсионерлар, ногиронларнинг сиҳатгоҳларида дам олишлари учун имкониятлар яратилаётгани ҳам ҳукуматимизнинг бу борадаги ғамхўрлигидан далолатдир.

**–Яна бир масала – аҳолини иш билан таъминлаш борасида қандай амалий ҳаракатлар олиб борилмоқда?**

–Маълумки, Ўзбекистон Республикаси "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"-ги қонунининг 16 моддасига кўра аҳолини иш билан таъминлаш давлат сиёсатини рўёбга чиқариш, фуқароларни тегишли кафолатлар билан таъминлаш Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига юклатилган. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида Бош бошқармамиз туман, шаҳар меҳнат бўлимлари билан ҳамкорликда вазиятни таҳлил қилиб, ишсиз фуқароларни ишга жойлаштириш ва ижтимоий ҳимоя борасида муайян ишларни амалга оширди. Ўтган вақт мобайнида туман, шаҳар меҳнат бўлимларига 25019 нафар фуқаро мурожаат қилган бўлса, уларнинг 22224 нафари халқ хўжалигининг турли тармоқларига жойлаштирилди. Юқорида айтиб ўтган қонуннинг 3-моддаси ижтимоий ҳимояга қаратилган. Шу сабаб ҳозирги кунда 2817 нафар фуқаро ижтимоий ҳимояга олинди. Яъни уларнинг бир қисми касб ўрганишга йўналтирилди, мингдан ошиғи ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди, бир минг эллик беш фуқарога ишсизлик нафақаси тайинланди.



Яна шуни таъкидлашим жоизки, биз вояга етмаганларга ҳам алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Бунда Бош бошқармамизнинг "Вояга етмаганлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнат, иш билан таъминлаш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳасидаги ҳуқуқ ва кафолатларини таъминлаш бўйича ҳаракат дастури" муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу ҳаракат дастурига мувофиқ ўтказилган тадбирлар натижасида 5255 нафар банд бўлмаган вояга етмаган фуқаро аниқланди. Айни пайтда эса ана шу ёшларнинг салкам тўрт ярим минг нафари корхона ва ташкилотларда ишлашаяпти.



**–Меҳнатга лаёқатсизлар-чи, уларга қандай ёрдам берилаяпти?**

–Албатта, бу ҳам вояга етмаганлар ҳаракат дастурига киритилган ва бугунги кунда бу борада бир қанча амалий ишларни бажардик.

Шу кунгача вилоятимизда жами 12775 нафар болалар 16 ёшгача болаликдан ногиронлик пенсияси олувчи сифатида ҳисоботда турибди. Уларга йил бошидан буён турли хизматлар учун 1 миллиард 56 миллион 364 минг сўм сарфланди. Жумладан, 1372 нафар 16 ёшгача ногирон болаларга, 465 нафар ундан катта ёшдаги болаликдан ногирон болаларга ижтимоий нафақалар тайинланди. 53 нафар ногирон ногиронлар аравачаси билан таъминланди.

**–Аслида киши меҳрга ташна дейдилар. Айниқса, ногирон ёки қаровсиз бўлса яна шу меҳрга чанқоқлик минг чандон ортади...**

–Шунинг учун ҳам йил бошидан буён ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларга ижтимоий таъминот меҳнат бўлимлари, шунингдек, Қизил Ярим ой жамияти томонидан ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходимлар тайинланган. Улар ёрдамга муҳтож кишиларнинг уйларига бориб хизмат кўрсатишади. Ўтган давр мобайнида ана шу ходимлар 32 нафар ёлғизларнинг ва 13 нафар боқувчисини йўқотган оилаларнинг уйларида катта ҳажмда таъмирлаш ишлари амалга оширдилар. Бундан ташқари вилоятимизда вилоят ҳокими ташаббуси билан шаҳар ва туманларда "Саломатлик" марафони ўтказилаяптики, бу ҳам бизнинг мақсадларимиз амалга ошишида хизмат қилмоқда. Йил бошидан буён бундай марафонлар Самарқанд шаҳри ва тўртта туманда ўтказилди. Унда вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари, бизнинг бошқарма, соғлиқни сақлаш бошқармаси "Маҳалла", "Соғлом авлод учун" жамғармалари, Қизил Ярим ой жамияти томонидан 267 нафар меҳрга муҳтож кишиларга 14801,3 минг сўмлик турли хилдаги моддий ва маънавий ёрдамлар кўрсатилди. Бу билан "Саломатлик" марафони ҳали якунлангани йўқ, албатта. Жараён йил охиригача давом этади.

Умуман, олганда, ҳали "Сиҳат-саломатлик йили"да қилиниши лозим бўлган ишларимиз кўп. Уларни амалга ошириш эса навбатдаги ният ва режаларимиздан жой олган.

**Суҳбатдош: Д.УЛУҒМУРОДОВ**

МУКА 1 сорт 196,0 ▼ - 0,6 | МУКА 2 сорт 180,1 ▲ + 0,1 | ПОЛИЭТИЛЕН I-0754 840,0 ▼ - 5,0 | ПОЛИЭТИЛЕН I-0760 1238,7 ▲ + 398,7 | ПОЛИЭТИЛЕН I 1561 840,0 ▼- 0,5 | КАРБАМИД 152,6 ▲ + 7,2

